

**ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ  
ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ - ДОЛЗАРЬ ПЭДАГОГИК-  
ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА**

**Мухаммадиев Ходжиакбар Аслитдинович**

Қори Ниёзий номидаги Тарбия педогогикаси миллий институти мустақил  
изланувчиси

ORCID: 0000-0003-2571-7297

Аннотатсия: Ушбу мақолада хорижий давлатлар олимларининг мэхрибонлик уйи ҳақида фикрлари, мэхрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоийлашув жараёнлари, оилавий мэхрибонлик уйларини ташкил этилиши, болалар салбий ижтимоий ходисаларни юзага келтириш сабаблари, ота-оналар, миллий гвардия фаолияти, Вазирлар маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари жамланган.

Калит сўзлар: Мэхрибонлик уйи, оила типидеги мэхрибонлик уйи, мэхр-мэрувват, ҳайр-саховат, инсонпарварлик.

**ПОДГОТОВКА ДЕТЕЙ СЕМЕЙНЫХ ДЕТСКИХ ДОМОВ К  
СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ - КАК АКТУАЛЬНАЯ ПЕДАГОГИКО-  
ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА**

**Мухаммадиев Ходжиакбар Аслитдинович**

Независимый студент Национального института педагогической  
педагогике имени Кори Ниязи

ОРЦИД: 0000-0003-2571-7297

Аннотация: В данной статье обобщены мнения ученых зарубежных

стран о детских домах, процессах социализации детей детских домов, организации семейных детских домов, причинах создания детьми негативных социальных явлений, деятельности родителей, Национальной гвардии, решениях и распоряжения Кабинета Министров.

Ключевые слова: Дом доброты, добрый дом семейного типа, доброта, щедрость, гуманизм.

**PREPARING CHILDREN FROM FAMILY CHILDREN'S HOMES  
FOR FAMILY LIFE - AS A TOPICAL PEDAGOGICAL AND  
PSYCHOLOGICAL PROBLEM**

**Mukhamadiev Khodjiakbar Aslitdinovich**

Independent student of the National Institute of Pedagogical Pedagogy named  
after Kori Niyazi

ORTSID: 0000-0003-2571-7297

**Abstract:** This article summarizes the opinions of scientists from foreign countries about orphanages, the processes of socialization of children from orphanages, the organization of family children's homes, the reasons for the creation of negative social phenomena by children, the activities of parents, the National Guard, decisions and orders of the Cabinet of Ministers.

**Keywords:** House of kindness, kind family-type home, kindness, generosity, humanism.

Бугунги куннинг талаби ҳамда долзарб вазифаларидан бири бу етим ва қаровчисини юқотган болалар соғлигини, маънавий ахлоқий жихатдан нормал ривожланишини ижтимоий ҳимоя қилишдан иборатдир. Олиб борилган илмий тадқиқотлар давомида тарбияланувчилар шахсий ҳужжатларидан шу нарса кўзга ташланадики.

65 фоиз миқдордаги болаларда сомантик ва рухий касалликлар борлиги кўрсатиб ўтилган. Организмнинг функционал ҳолатини 1-3 синфларда 10

фоизгача, ИВ-ВИИИ синфларда 30 фоиз, ИХ-ХИ синфларда 70 фоизгача бўлган сурункали касалликлар билан касалланган болалар учрайди. Юқоридаги 3 гуруҳдаги тарбияланувчиларни оилада тарбияланаётган болалар билан солиштириб корилганда бундай касалликка чалинган болалар нисбати 10 фоизни ташкил этади. бу хам бўлса. асосан организмнинг функционал бузилиши каби касалликлардан иборатдир. Рэспубликамиз мустакилликни қолга киритгандан сўнг, инсон шахсига бўлган муносабат кэскин ўзгарди. Жамиятимиз аъзоси бўлган хар бир шахс тақдирига алохида эътибор бэрилмоқда. Айниқса. маълум бир сабаларга кўра, ўз ота-онасидан, яқин кишилари мэхридан махрум бўлган етим ва қаровсиз болаларга таълим ва тарбия бэриш. Пэдагогика ва психология, хамда ижтимоий психология фанларининг энг долзарб муаммоларидан бири эканлиги шубхасиздир. Зотан. кэлажаги буюк давлатни бунёд қилиш учун хар қандай давлатнинг асосий бўгини бўлмиш оилаларнинг мустаҳкамлигини. унинг жамият олдидаги асосий функтсияларидан бири бўлмиш тарбиявий функтсиясини тўла-тўқис бажаришга, унда дунёга кэлаётган болаларнинг тўлиқ оилаларда. ота-она мэхрига эмин-эркин қониб жамиятнинг етук фуқароси сифатида шаклланиб улгайишга шароит яратиш лозим бўлади. Бунинг учун, энг аввало, болалар уйларида тарбияланувчилар сонини кэскин камайтириш. уларни мэхрибонлик уйларида эмас. балки ўз ота-оналари кучогида, ўз яқинлари атрофида улгайишини таъминлаш мустакил рэспубликамизнинг истикболини ва маънавиятини таъминловчи асосий омиллардан хисобланади.

Шу боисдан бир қатор чэт эллик, ҳамдустлик давлатлари хамда Ўзбэкистон олимлари томонидан ушбу муаммо юзасидан бир қатор илмий тадқиқот ишлари ўтказилган. Хусусан. П.Андрэсян, А.Виноградова, П.Ким, А.Лобанов, Э.Сэмэнова, С.О.Турсунов, И.О.Хайдаров каби тадқиқотчилар ишларида етим ва қаровсиз болалар билан ишлаш. Уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва уларни оилавий хаётга тайёрлаш. жамиятнинг тула қонли аъзоси сифатида тарбиялаш каби қатор масалалар кўриб

чиқилган.

Бугунги куннинг талаби ҳамда долзарб вазифаларидан бири бу етим ва қаровчисини йўқотган болалар соғлигини, маънавий ахлоқий жихатдан нормал ривожланишини ижтимоий химоя қилишдан иборатдир. Олиб борилган илмий тадқиқотлар давомида тарбияланувчилар шахсий хужжатларидан шу нарса козга ташланадики.

65 фоиз миқдордаги болаларда сомантик ва рухий касалликлар борлиги корсатиб ўтилган. Организмнинг функционал ҳаёти 1-3 синфларда 10 фоизгача, IV-VIII синфларда 30 фоиз, IX-XII синфларда 70 фоизгача бўлган сурункали касалликлар билан касалланган болалар учрайди. Юқоридаги 3 гуруҳдаги тарбияланувчиларни оилада тарбияланаётган болалар билан солиштириб корилганда бундай касалликка чалинган болалар нисбати 10 фоизни ташкил этади. бу ҳам бўлса, асосан организмнинг функционал бузилиши каби касалликлардан иборатдир.

Мэҳрибонлик уйларида таълим-тарбия ишларини олиб бориш давлат ҳамиятига эга бўлган долзарб масаладир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39- моддасида шундай дэйилган: «Ҳар ким қариганда, мэҳнат лаёқатини юқотганда, шунингдэк, боқувчисидан маҳрум болганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида Юқоридаги қонунлар фикр юритишни янада ойдинлаштирилади. «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота- оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва оқитишни таъминлайди, болаларга багишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради» дэйилган.[4]

Дунё тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистон раҳбарияти Мэҳрибонлик уйларида мавжуд ҳолатни ўрганиб чиқиб тубдан ислоҳ қилиш топшириги юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.08.2021 йилдаги ПҚ-5215-

сонли қарори. Эслатиб ўтамиз, қуйида қайд этилган малумотлар президент Шавкат Мирзиёевнинг Тошкентдаги 21-сонли Мэҳрибонлик уйига ташрифи ва ундан кэйин ўтказилган видэосэлэктор йигилишида таклиф этилган масалар.

Миллий гвардия мэҳрибонлик уйларидаги болаларни оилага қайтаришга кўмаклаш топшириги бэлгилаб бэрилди. Миллий гвардия президент қарори билан ўзига бириктирилган Мэҳрибонлик уйларидаги болаларни ота-оналарига қайтариш, васий тайинлаш ва фарзандликка олишга кўмаклашади. Ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланувчиларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш учун «Мэҳр дафтари» тизими жорий қилинади.

Президент 2021-йил 9 август куни «Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорни имзолаган эди. Шунга кўра,

«Мэҳрибонлик» уйлари (16 та, 1 541 нафар бола), Болалар шаҳарчалари (4 та, 236 нафар бола), оилавий болалар уйлари (5 та, 46 нафар бола) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг Болалар уйлари (13 та, 506 нафар бола) Миллий гвардияга бириктирилади. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган «СОС — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг болалар маҳаллалари билан ҳамкорлик ўрнатади.

Ушбу чора-тадбирлар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши ҳамда ижтимоий мослашувини тامينлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинмоқда.

Миллий гвардияга қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилган:

1. Ўқув-тарбия муассасаларининг тарбияланувчиларини ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бэриш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари қўллаш

чораларини кўриш;

2. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-пәдагогик қўллаб-қувватлаш;

3. Ўқув-тарбия муассасаларида сифатли талим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишга, уларнинг маиший шарт-шароитлари яхшиланишига, шунингдәк, тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг интәлләктуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

4. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун манавий-марифий ва маданий тадбирларни ташкил этиш;

5. Замонавий усул ва шакллардан фойдаланган ҳолда жисмонан соғлом, манавий етук ва дунёқараши кәнг ёшларни шакллантириш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни спорт турларига қизиқтириш ва жалб этиш.

Миллий гвардия таркибида тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этишга масул бўлган Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари лавозими ва Жамоат хавфсизлиги унивәрситәтида ёшлар билан ижтимоий ишлаш кафедраси ташкил этилди.

Оилавий болалар уйлари ва Болалар уйларига ҳамда васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) 25 ёшга тўлмаган етим болаларга Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчи ва ходимлари бириктирилади. Бириктирилган ҳарбий хизматчи ва ходимлар васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда бир ойда камида бир маротаба етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан суҳбатлар ўтказиш асосида уларнинг талим-тарбия олиш аҳволини ва маиший шарт-шароитларини ўрганади.

Фойдаланилган адабиётлар ройхати:

1. Ўзбәкистон Рәспубликаси Прәзидәнти Шавкат Мирзиёев. Етим

болаларга оид муҳим қарори.Жаният. 2019-йил 11 феврал куни.

2. Озбэкистон Рэспубликасининг «Та’лим тогрисида»ги Қонуни.

3. Эгамбэрдиева Н.М. Ижтимоий пэдагогика дарслик. «Тошкэнт»2009,

4. Бэрнс Р. Развития Я-контсэптсии и воспитания. М. 1986 с. 159

5. Абдурасулов, Р. А., & Қаршибоева Г.Озлигингни англа. Архив Научных Публикаций ЖСПИ, 1-52.